

Термиз туманида 2021 йил 9 ойи давомида 232 та кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган



2021 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 1798 тани ташкил этиб, шундан 1737 таси фаолият юритмоқда. Шунингдек, 2021 йил январ-сентябр ойларида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 232 тани ташкил этади. Ўз навбатида фаолиятини тугатган кичик бизнес субъектлари сони 33 тани ташкил этмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми (*деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари*):

- савдо йўналишида 471 та (26,2 фоизи);
- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик йўналишида 420 та (23,4 фоизи);
- саноат йўналишида 301 та (16,7 фоизи);
- қурилиш йўналишида 247 та (13,7 фоизи);
- яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар йўналишида 131 та (7,3 фоизи).